

ИСЛОМ ҚАДРИЯТЛАРИДА ИНСОН ШАХСИНИНГ УЛУҒЛАНИШИ

Мамадалиева Феруза Асроровна

Фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

Тошкент давлат аграр университети доценти

АННОТАЦИЯ

Мақолада инсон - бу Аллоҳнинг буюк мўъжизаси, махлуқотлар орасидаги мукамал мавжудот эканлиги, инсонга яратганнинг хоҳиши иродаси билан қалб, тил ва тафаккур инъом этилгани, Қуръони Карим оятларида инсон зотининг қадри, улугланиши, унинг ер юзидаги мавқеи ва масъулияти фалсафий жиҳатдан таҳлил этилган.

Калит сўзлар: маънавий камолот, инсон қадри, эътиқод, ёшлар тарбияси, масъулият, шахс масъулияти, ислом қадриятлари, иймон, Қуръон, оятлар.

АННОТАЦИЯ

В статье человек есть великое чудо Божие, совершенное существо среди тварей, душа, язык и мышление даны человеку по воле творца, ценность и прославление рода человеческого, его положение и ответственности на земле философски проанализированы в стихах Священного Корана.

Ключевые слова: духовная зрелость, человеческая ценность, вера, воспитание молодежи, ответственность, личная ответственность, исламские ценности, вера, Коран, аяты.

КИРИШ

Маълумки, неча асрлардан буён халқимиз, ислом динига эътиқод қилади, асрлар давомида исломий тартиб-қоидаларга риоя қилиб яшаб келмоқда. Шу сабабли халқимиз ҳаётига ислом дини ва қадриятларининг таъсири бекиёс. Аллоҳни, умуман диний эътиқодни инкор қилиш асосига қурилган тузумнинг оқибатини кўрдик. Демак, ким қандай эътиқодда бўлмасин, биз бугунги мустақиллик шароитида ёш авлод тарбиясида азалий қадриятларимизни ҳисобга олмасак, албатта адашамиз. Замонамизнинг яна бир балоси, офати ақидапарастлик касаллиги бўлиб турипти. Бу масалани ҳам назардан қочириб бўлмайди. Айни шу масалаларни тўғри ҳал қилиш учун, бизнинг назаримизда, ислом динининг бош илоҳий манбаси бўлмиш Қуръони каримда инсон зотига қандай муносабат билдирилган эканлигига эътибор қаратайлик.

Инсоннинг яратилишидан мақсад нима, унинг ўзга жонзотлардан ажралиб турувчи моҳияти нимада? деган саволларга илоҳий матндан жавоб излашга зарурат туғилади. Тўғри, илгари ҳам бундай изланишлар бўлган. Аммо ҳар бир

давр одами Қуръон таълимотларидан ўз саволларига жавоб қидиради ва қатъий эътиқодига кўра, астойдил қидирса, топади ҳам.

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Инсон онги, ақлу фаросати ҳақиқатни англашга доимо интилиб келади. Ушбу масалани ёритишдан мақсад эътиқод масаласида кўр-кўрона тақлид ёки мутаассибона қайсарлик яхши натижага олиб келмаслигини эътиборга олиб, Қуръони карим оятларининг бевосита инсон зотига оид маъноларини ислом маънавияти жиҳатидан англаб етишга уриниш, шу асосда ҳар бир инсон ўз ҳаётини ақл-идроққа таяниб, нимага эътиқод қилаётганини теран тушуниб ҳаракат қилиши, доимо маънавий камолотга биринчи даражали эътибор қаратиши лозим эканлигини аждодлар меросига мурожаат қилган ҳолда аниқ ёритиб беришдир.

Қуръони Карим оятларида инсон зотининг қадри, улуғланиши, унинг ер юзидаги мавқеи ва масъулияти масаласи ёш авлод маънавий тарбиясида ўта муҳим муаммо бўлиб, ёшларимиз эътиқодини тўғри йўналишда шакллантиришда биринчи даражали аҳамият касб этади.

Инсон - бу Аллоҳнинг буюк мўъжизаси, махлуқотлар орасидаги мукамал мавжудот. Инсонга яратганнинг хоҳиш иродаси билан қалб, тил ва тафаккур инъом этилган. Шунинг учун ҳам Ўзбекистонни Биринчи Президенти Ислам Каримов инсонга шундай таъриф берган: «Инсон ўз тимсолида ҳам моддий, ҳам маънавий хусусият ва аломатларни мужассам этган ноёб хилқат, яратганнинг буюк ва сирли мўъжизасидир»¹.

Инсон Аллоҳнинг энг буюк ва мукамал ижоди бўлиб, шу боисдан ҳам у табиатнинг ва барча тирик мавжудотларнинг гултожи қилиб яратилган.

Жумладан, Қуръони Каримнинг «Бақара» сураси 30-оятда инсонни яратилиши ҳақида қуйидагича таъкидланади: «Роббинг фаришталарига албатта, Мен ер юзида халифа яратувчиман, деганини эсла!»². Дарҳақиқат, Ислам таълимотига кўра Инсон Аллоҳнинг ер юзидаги халифасидир. Инсонни Аллоҳ яратиб, унга ўз руҳидан жон пуфлаб ато этган.

Аллоҳ таоло «Сажда сураси 9-оятда инсоннинг яратилиши ҳақида шундай хабар беради: «Сўнг уни тўғрилади ва ичига Ўз руҳидан пуфлади»³ Демак, Аллоҳ инсонга Ўз руҳидан пуфлаб, жон ато этади ва одам зотини

¹Каримов И. Юсак маънавият енгилмас куч. –Тошкент: “Маънавият”, 2008, -Б. 67.

²Қуръони Карим. Шайх Абдулазиз Мансур таржимаси. –Тошкент: “Шарк”, 2007, -Б. 6.

³Қуръони Карим. Шайх Абдулазиз Мансур таржимаси. –Тошкент: “Шарк”, 2007, -Б. 415.

улуғлаб, ер юзига ўзининг ўринбосари этиб тайинлади. Қуръони Каримнинг «Исро» сураси 70-оятда: «Биз Бани

Одамни мукаррам қилиб қўйдик»⁴, дейилган. «Жосия» сураси 13-оятда «У сизларга осмонлар ва ердаги жамики нарсаларни Ўзидан мусаххар қилиб қўйди»⁵ ёки «Бақара» сурасининг 29- оятда “У сизлар учун ер юзидаги барча нарсани яратган Зот”⁶ - дейилишида эса, дунёдаги барча нарсалар Аллоҳ томонидан инсон учун хизмат қилиши ва яратилганлигини билдиради.

Қуръоннинг «Сажда» сураси 7-оятда «Аллоҳ барча нарсани чиройли қилиб яратган зотдир»- дейилади. Бу борада буюк донишманд файласуф Умар Хайёмнинг «Наврўзнома» асарида баён этилган мана бу фикрлар диққатга сазовордир: «Гўзаллик барча тилларда васф этилади ва ҳар қандай ақлга хуш келади. Дунёда яхши нарсалар кўп, уларни кўриб баҳраманд бўлиш одамларни шод этади ва табиатларини покиза қилади, аммо ҳеч нарса гўзал юз ўрнини боса олмайди, чунки гўзал юз шундай қувонч бахш этадики, бошқа ҳеч қандай қувонч унга тенг келолмайди. Айтадиларки, гўзал юз дунёдаги саодат сабабчисидир»⁷. Умар Хайём мазкур фикри билан Аллоҳ ўз ижоди маҳсули инсонни шу қадар гўзал қилиб яратганини, дунёдаги барча гўзал нарсалардан ҳам инсон гўзаллиги юксак эканлигини таъкидлайди.

Дарҳақиқат, Аллоҳ барча жонзотлардан инсоннинг қадрини буюк билиб, уни икки жаҳонда ҳам азиз ва мукаррам қилиб яратди.

Чунончи, Қуръони каримнинг “Бақара” сурасининг 34-оятда «... Биз фаришталарга: «Одамга сажда қилингиз!» деб буюришимиз билан улар сажда қилдилар. Бундан кўриниб турибдики Аллоҳ ўз ижод маҳсули бўлмиш инсонни яратиб, одамни фаришталарга эмас, аксинча фаришталарни одамга сажда қилишини буюришида ҳам инсон кадрига муносабатнинг нақадар улуғлигини англашимиз мумкин. Демак, инсонларнинг кадрли бўлишини Аллоҳнинг ўзи ирода этган экан. Фикримизча, кадрли бўлиш инсонга улуғ ва бебаҳо неъматдир. Шу боис ҳам кадр туйғуси инсон фитратида мавжуддир. Ҳақиқий иймон эгалари эса барча замонларда инсонни олий қадрият сифатида эътироф этиб, кадрлаб келганлар.

Мисол тариқасида айтадиган бўлсак, Соҳибқирон жаҳонгир Амир Темур ҳам Қуръондаги қуйидаги «Инна жаалнака халифатан фил арз» , (Сод сураси, 26 оят) яъни «Биз сени ер юзига халифа қилдик»- оятига инсоний ва исломий

⁴Қуръони Карим. Шайх Абдулазиз Мансур таржимаси. –Тошкент: “Шарк”, 2007, -Б. 289.

⁵Қуръони Карим. Шайх Абдулазиз Мансур таржимаси. –Тошкент: “Шарк”, 2007, -Б. 499.

⁶Қуръони Карим. Шайх Абдулазиз Мансур таржимаси. –Тошкент: “Шарк”, 2007, -Б. 5.

⁷Маънавият асосий тушунчалар изоҳли луғати. Т., “ Ғофур Фулом ”, 2010, 201- б.

қадрият нуқтаи назаридан қараганлиги сабабли, Аллоҳнинг инояти билан етти иқлим ҳукмдори даражасига эришди. Чунончи, Амир Темур айтади : «Қуръондан фол очсам, ушбу қутлуғ оят чикди: “Биз сени ер юзига халифа қилдик”. Мен буни (истикболнинг) хайрли ва муборак фоллари қаторига киритдим”.⁸ Дарҳақиқат, буюк ҳукмдор Амир Темур ўз қўл остидаги инсонларга оддий фуқаро деб эмас балки уларга Аллоҳнинг бандаси деб қараган ва инсонни олий қадрият деб билган.

Темур тузуклари асарида бу ҳақда қуйидагича баён этилади: «Яна шуни эшитдимки, ҳазрат пайғамбаримиздан, унга тангрининг марҳамати ва саломлари бўлсин, сўрабдилар: «Агар сиз набий ва расул этиб юборилмаганингизда, қайси иш билан машғул бўлардингиз?»

Улар шундай жавоб берган эканлар: «Султонлар хизматида бўлишни ихтиёр этиб, Тангри таолонинг бандаларига фойда ва яхшилик етказардим».

ХУЛОСА

Шу сабабдан, халққа ёрдаму мадад бериш мақсадида, мен ҳам Туғлуқ Темурхоннинг ўғли Илёс Хожага вазирлик ва сипоҳсолорлик қилишга рози бўлган эдим. Тангри таолонинг бандаларига ёрдам қилганимдан бўлса керакки, Оллоҳ таоло мени салтанат мартабасига етказди».⁹

Демак, ўтмишдан хулоса чиқарадиган бўлсак, исломий қадриятлар руҳида камол топган бизнинг буюк боболар «инсон қадри»га ана шундай илоҳий нуқтаи назардан қараганлар ва муносабат билдирганлар. Тарихимизда чуқур из қолдирган даҳо шахслардан ибрат олиб яшаш эса, ҳозирги давр учун муҳим аҳамият касб этади.

REFERENCES

1. Қуръони Карим. Шайх Абдулазиз Мансур таржимаси. –Тошкент: “Шарк”, 2007
2. Амир Темур. Темур тузуклари. Т., «Ўзбекистон», 2015
3. Маънавият асосий тушунчалар изоҳли луғати. Т., “Гофур Гулом ”, 2010

⁸Амир Темур. Темур тузуклари. Т., «Ўзбекистон», 2015, 44-б.

⁹Амир Темур. Темур тузуклари. Т., «Ўзбекистон», 2015, 110-б.